

## TYPES OF FUNGI ISOLATED FROM SOYBEANS IN THE TASHKENT REGION AND THEIR SYSTEMATIC ANALYSIS

**Khodjamkulova SS,**

Tashkent State University Termez branch assistant

**Nizomiddinov K.**

Tashkent State University Termez branch assistant

**Tilovova TB**

Tashkent State University Termez branch student

**Abstract:** This article analyzes fungal diseases of soybeans, their biology, species composition, bioecology and morphology. Sphaerothecales, Peronosporales, Erysiphales, Hyphomycetales, which are common in the shade, have also been studied.

**Keywords:** Fungus, disease, fungicide, growth

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СОЯ ЎСИМЛИКЛАРИДАН АЖРАТИЛГАН ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИСТЕМАТИК ТАХЛИЛИ

**Ходжамкулова С.С,**

ТошДАУ Термиз филиали ассистенти

**Низомиддинов К**

ТошДАУ Термиз филиали ассистенти

**Тиловова Т.Б**

ТошДАУ Термиз филиали талабаси

**Аннотация:** Бу мақолада соянинг замбуруғли касалликлари, уларнинг биологияси тур таркиби, биоэкологияси ҳамда морфологияси таҳлил қилинган. Шунингдек, сояда кўп учрайдиган, Sphaerothecales, Peronosporales, Erysiphales, Hyphomycetales ўрганилган

**Аннотация:** В этой статье описываются болезни сои, вызываемые грибами и их вредоносность. Наиболее распространёнными болезнями сои являются болезни, вызываемые грибами относящимися к порядкам Sphaerothecales, Peronosporales, Erysiphales, Hyphomycetales.

**Калит сўз:** замбуруғ, касаллик, фунгицид, ривожланиш

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 24 январдаги (№ 03.25.18 сонли) қарорида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш халқимизни ёғ-мой маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳудудларда ноанъанавий мойли экинларни етиштириш ва уларни ёғ-мой корхоналарида қайта ишлаш ҳисобига ички истеъмол бозорида ўсимлик ёғи ҳажми ва турларини кўпайтиришга қаратилган чора тадбирлар белгилаб берилган.

Бугунги куннинг долзарб муоммоларидан бири мойли экинларни етиштириб улардан юкори ҳосил олиш ва аҳолини озиқ овқатга бўлган талабини қондириш учун мойли экинларга зараркунанда ва касалликлар келтирадиган зарарларини камайитиришдир.

Соя ўсимликларининг касалликларини ўрганиш учун биз экилган барча ўсимлик далаларини кўздан кечириб текшириб гербарий материалларини йиғдик. Кейинчалик лаборатория шароитида

улардан микология ва фитопатологияда қўлланилган усуллар билан замбуруғларни ажратиб, уларнинг турларини аниқладик.

Маълумотларидан кўриниб турибдики соя ўсимликларининг ҳар хил органларидан 3 та бўлим, 4 та синф, 9 та тартиб, 11 оила, 25 та туркумга мансуб 47 та замбуруғ турларини ажратдик.

Турларни сони жиҳатидан олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда шу нарса маълум бўлдики энг кўп турлар *Denteromycotina* бўлимига (36 та) мансуб эканлиги, *Mastigomycotina* (6 та), камроқ турлар эса *Ascomycotina* (5 та) тўғри келди.

*Denteromycetes* синфининг орасида эса энг кўп турлар *Dematiaceae* (14 та), кейин *Moniliaceae* оиласига (13 та) *Tuberculariaceae* (6 та), *Mycoraceae* (4 та) ва энг кам *Melonconiaceae* (2 та) турларига тўғри келди.

Соя ўсимлигидан ажратилган турлар таркибини ерёнғокники билан солиштириб кўрилганда яққол кўзга ташланадиган фарқлардан бири шундан иборатки соя замбуруғлар флораси жуда бой ва хилма-хилдир. Ерёнғокдан атиги 18 тагина тур ажратилган бўлса, сояда икки баробардан ҳам кўпроқ, яни 47 тур сапрофит ва паразит замбуруғлар аниқланди. Шулардан 9 та тур (*Pythium debarianum* Hesse, *Aspergillus niger* v. Tiegh, *Botrytis cinerae* Ptes. et Fr., *Trichothecium roseum* Fr., *Cladosporium herbarum* (Pers) Lv., *Alternaria alternate* (Fr) Keiss, *Fusarium oxysporum* Schlecht, *Ascochyta phaseolorum* Sacc) иккала ўсимлик учун умумий турлар сифатида учради.

Соя ўсимлигида аниқланган турларнинг кўп бўлишига асосий сабаблардан бири аниқланган замбуруғлар орасида факультатив паразитлар ва сапрофитларнинг кўплиги бўлса керак. Масалан, *Alternaria*, *Cladosporium*, *Penicillium*, *Trichothecium*, *Verticillium*, *Aspergillus*, *Fusarium* ва бошқа бирқатор туркумларнинг кўпчилик турлари сапрофит турлар бўлса-да ўсимликларнинг кучсизланган ёки курийбошлаган органларида кўплаб учрайди.

Ундан ташқари соя ўсимлиги нисбатан кейинги пайтларда бизларнинг минтақада районлаштирилганлигини ва уларнинг касалликлари Ўзбекистон шароити учун ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, замбуруғ флорасини иложи борица кенгроқ ўрганишга ва ундаги замбуруғларни касаллик туғдириш ёки тасдифан субстрат сифатида фойдаланишидан қатъий назар ажратиб олишга ҳаракат қилдик.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бурляева М.О. Соя: Изменчивость признаков и её значение в селекции сортов кормового использования: Автореф. дисс... канд. биол. наук. – 2003. – 20 с.
2. Ганя А.И. Основные грибные патогены сои в Молдавии и выявление источников устойчивости к ним: Автореф. дисс... канд. биол. наук. – Минск, 1981. – 22 с.
3. Фазал Хайат Тадж. Влияние и размещение суданской травы и сои в смешанных посевах на урожайность растений: Автореф. дисс... канд. с/х наук. – Ташкент, 1979. – 22 с.
4. Степанова М.Ю. Фузариозные заболевания бобовых культур: Автореф. дисс... канд. биол. наук. – Л., 1967. – 20 с.
5. Струччинская М.Т. Паразитная микрофлора бобовых растений в Литве и биологические особенности некоторых её видов: Автореф. дисс... докт. биол. наук. – Вильнюс, 1974. – 59 с.
6. Жуковская С.А. Почвенные микромицеты и их роль в развитии болезней сои в Приморском крае: Автореф. дисс... канд. биол. наук. – Владивосток, 1972. – 24 с.